

ФЕРМЕРЛАР ХУҚУҚЛАРИ АГРОБИОХИЛМА-ХИЛЛИКНИ САҚЛАШНИНГ АСОСИЙ ЭЛЕМЕНТЛАРИДАН БИРИ СИФАТИДА

Аликулов Сафар Менгликулович

Ўсимликлар генетик ресурслари илмий-тадқиқот институти

Аннотация: Мақолада фермерлар ҳуқуқлари агробиохилма-хилликни сақлашнинг асосий элементларидан бири сифатида даги қимматли маълумотлар чуқур илмий таҳлил қилингандан ҳолда келтирилган.

Калит сўзлар: Фермер, агробиохилмахиллик, биохилма-хиллик, агроэкотизимлар, генетик ресурслар.

ФАО мутахассислари фермерлар авлодлари маҳаллий аҳоли томонидан турли мақсадлар – даволаш, етиштириш, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, уй ҳайвонларига озуқа тайёрлаш учун фойдаланиладиган ўсимликларнинг эски маҳаллий навларини сақлашни назарда тутган ҳолда, *ex situ* шароитда сақлашга мувофиқ равишда қўшимча “*on farm*” атамасини жорий қилди (“фермер хўжаликлари ва маҳаллий ҳамжамиятларда).

Генетик ресурсларни *on farm* сақлашга алоҳида эътибор берилаётганини глобаллашув жараёнлари шароитида биохилма-хилликдан фойдаланиш муаммосига нисбатан янги ёндашувлар ва Биохилма-хиллик тўғрисидаги конвенция қоидалари билан изоҳлаш мумкин. Маълумки, кўплаб қишлоқ хўжалиги ўсимлик навларининг келажақдаги салоҳияти учун анъанавий тарзда етиштирилган ва бугунги кунда ҳам фермер хўжаликлари ҳамда қишлоқ жамоалари томонидан фойдаланиб келинаётган маҳаллий навлари муҳим ўрин тутди. Айнан ушбу навлар жиддий йўқолиш хавфи остида турибди.

Маҳаллий ўсимликлар хилма-хиллиги эса ноёб генларнинг бебаҳо манбаидир. Кўплаб эски маҳаллий навлардан Осиё, Африка ва Лотин Америкасининг кўплаб давлатларида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида ҳали фаол фойдаланилмоқда. *Ex situ* коллекцияларида ушбу навларнинг аксарияти йўқ ёки бошқа экологик шароитларда бир неча марта қайта экилиши туфайли ўзининг дастлабки хусусиятларини йўқотган. Бироқ, кейинги йилларда бундай намуналарни тўплаш жуда мураккаб бўлиб қолди. Чунки, “селекционерлар ҳуқуқлари”га ўхшаш “фермерлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш” юридик тизими ҳали мавжуд эмас. Генетик ресурслардан ноқонуний фойдаланишни камайтириш учун давлат қонунчилик базасига эга бўлиши даркор.

Аммо, генетик таназул ва эски маҳаллий навларнинг замонавий навлар томонидан сиқиб чиқарилиши жадал суръатда давом этмоқда. Шу сабабли генетик ресурсларни замонавий бошқариш учун миллий ва халқаро ҳуқуқий механизмлар тўлиқ ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ. Бизнингча, замонавий бошқариш мумкин бўлган минтақаларда маҳаллий генофонднинг маҳаллий омбори - миллий генбанк - хорижий генбанк/фойдаланувчи модели асосида агробихилма-хилликни самарали сақлаш ва ундан оқилона фойдаланишнинг комбинацияланган турини жорий этиш зарур.

Агробиохилма-хилликни *on farm/ex situ* сақлашнинг ўзаро боғлиқлигининг бундай модели давлатларнинг ўз генетик ресурсларидан ва улар ҳақидаги анъанавий билимлардан фойдаланишни тўлиқ назорат қилиш имконини беради. Бу, ўз навбатида, фермерлар ва маҳаллий аҳолига биохилма-хилликни барқарор сақлаш ва фойдаланиш бўйича миллий дастурда бевосита иштирок этишга ёрдам беради, уларнинг бошқа, хорижий фойдаланувчилар билан биргаликда селекция ёки биотехнологияларда унинг таркибий қисмларидан фойдаланишдан тенг даромад олишини таъминлайди.

Натижада бундай ҳамкорлик самарасида ФАОнинг мамлакатларга *on farm/en situ* сақлашга ва уни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиш кўзда тутилган Глобал ҳаракат режасининг бажарилиши таъминланади.

Бизнингча, бунинг учун қуйидагиларни амалга ошириш зарур: *en situ* ва *ex situ* да сақланаётган ўсимликлар генетик ресурсларини текшириш, таҳлил этиш ва ҳисобдан ўтказиш; фермер хўжаликлари ва қишлоқ жамоаларида (*on farm*) ўсимликлар хилма-хиллигини сақлашни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, жумладан молиявий ёрдам кўрсатиш; туб аҳоли ва фермерларга табиий фалокатлар рўй берганда экотизимларни қайта тиклаш учун хорижий генбанклардан маҳаллий хилма-хилликларни қайтариш орқали ёрдам бериш; қишлоқ хўжалигини самарали юритиш ва янги бозорларни ривожлантириш учун генетик ресурслардан кенг фойдаланиш чоралари; маҳаллий аҳолини ўқитиш ва бунинг натижасида генетик ресурслар аҳамияти ва муҳимлигини ошириш, генетик таназзулни биргаликда мониторинг қилишни амалга ошириш ва ҳоказо.

БМТ Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш дастури (UNEP) доирасида тайёрланган ҳисоботга кўра, майда миллатлар сўзлашадиган икки ярим мингдан зиёд шева яқин вақт ичида умуман йўқ бўлиб кетиш эҳтимоли сезилмоқда. Мазкур тилларда биохилма-хиллик тўғрисида қимматбаҳо ахборот ва ундан фойдаланиш бўйича анъанавий билимлар сақланмоқда. Ушбу бойликнинг йўқотилиши биохилма-хилликни нафақат сақлаш ва ундан фойдаланиш, балки илмий-техник тараққиётга салбий таъсир кўрсатишга қодир. Жаҳон ҳамжамияти баъзида авлоддан авлодга оғзаки шаклда ўтадиган ёввойи табиат ҳақидаги ноёб билимлардан адабий маҳрум бўлиши мумкин.

Демак, илмий ҳамжамиятнинг туб аҳоли, фермерлар ва маҳаллий қишлоқ жамоалари билан ҳамкорлиги генетик ресурслар ва улар ҳақидаги анъанавий билимларни сақлаш (тўплаш, кўчириш, қайтариш, алмашиш, кўпайтириш, хавфсиз нусха олиш), уларни ўрганиш (ҳисобга олиш, ҳужжатлаштириш, баҳолаш) ва улардан оқилоан фойдаланиш (ўқитиш, маркетинг, сотиш бозорларини белгилаш) бўйича комплекс тадбирларни амалга ошириш имконини беради. Агроекотизимларни сақлаш, озиқ-овқат хавфсизлиги ва аҳоли фаровонлиги даражасини ошириш, жамиятнинг барча қатламларининг биохилма-хиллик соҳасида илмий стратегия ва сиёсатни ишлаб чиқишда иштирок этиши, келажак авлод учун генетик ресурсларни асраб-авайлаш бундай ҳамкорлик самараси ҳисобланади. Бироқ, шуни эътиборга олиш керакки, фермер ва маҳаллий жамоа маҳаллий хилма-хилликдан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқарилган маҳсулотларни сотиш учун барқарор бозорлар ташкил этилмаса ва бошқа иқтисодий афзалликлар яратилмаса, уларни сақлаш билан шуғуланмайди. Бу масалани ҳал этишда илмий тавсиялар ва давлат томонидан яратилган бозорни тартибга солиш механизмлари муҳим ўрин тутади.

Ривожланаётган мамлакатларнинг фермер ва қишлоқ хўжаликларида асосан фермерлар тўпланган, яъни анъанавий агроекотизимларда фойдаланиладиган маҳаллий эски навлар сақланмоқда. Бундан ташқари, туб ва маҳаллий қишлоқ аҳолиси турли мақсадларда (тиббиёт, косметика, диний маросимлар ва байрамлар) ёввойи ўсимлик турлари, маданийлаштирилган экинларнинг яқин турдошларидан кенг фойдаланилади. Айнан ушбу ўсимликлар кўпинча генетик ресурслар сифатида ривожланган давлатларнинг трансмиллий корпорациялари томонидан “биоқароқчилик” шаклида талон-тарож қилинади. Генетик ресурслардан ташқари туб ва маҳаллий қишлоқ аҳолисининг анъанавий билимлари ҳам “биоқароқчилик”га дучор бўлмоқда. Бу билимлар кейинчалик Ғарб вакиллари томонидан ўз мамлакатларининг патент қонунларига асосан “хусусийлаштирилмоқда”.

1997 йил АҚШда Техас хусусий компанияси томонидан 566484-рақам билан “Басмати шолиси” патентининг олингани биоқароқчиликка ёрқин мисол бўла олади. Басмати шолисини кўп йиллар давомида Ҳиндистон ва Покистоннинг Панжоб туманида деҳқонлар етиштириб келган. Ушбу маҳаллий эски нав фермерлар авлоддан авлодга берган ва ўзининг пазандачилик хусусиятлари, ёқимли таъми ва иси билан машҳур бўлган.

Ушбу маҳаллий эски навни экспорт учун етиштирган минглаб покистонлик ва ҳиндистонлик фермерлар (биргина Ҳиндистонда бир йиллик даромад 800 миллион доллардан зиёдни ташкил қилган) уни етиштиришдан маҳрум бўлган.

Шундай қилиб, агробioxилма-хилликнинг кўпинча назоратсиз ва ноқонуний олинishi ва кейинчалик ундан фойдаланиш маълум вақтдан сўнг фермерлар ҳамда маҳаллий қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларига қимматбаҳо товар кўринишида қайтарилади. Яъни, генетик ресурсларни товарга айлантириш жараёни амалга оширилади.

Юқорида қайд этилган фикрга мувофиқ, Халқаро шартномага “Фермерлар ҳуқуқлари” учинчи қисмининг киритилиши жаҳон ҳамжамиятининг катта сиёсий ютуғидир. Бунинг самарасида фермерлар, маҳаллий қишлоқ хўжалиги жамоалари ва туб аҳоли қонуний асосга эга бўлди.

Таъкидлаш жоизки, фермерлар ҳуқуқларини тан олиш борасида ютуқларга эришилган бўлсада, мутахассислар муаммони фақат бу ҳуқуқларни ҳимоя қилиш зарурлигини англаш орқали ҳал этиб бўлмаслигини қайд этмоқда.

Таҳлил ва тадқиқотлардан кўриниб турибдики, фермер ва қишлоқ жамоаларида агробioxилма-хилликни сақлашга ёрдам берадиган қатор чораларни қонуний тартибда амалга ошириш давлатнинг муҳим вазифаси ҳисобланади. Бу вазифалар: маҳаллий агробioxилма-хилликни мониторинг қилиш; маҳаллий аҳолининг анъанавий билимларини тўплаш ва ҳисобга олиш; имкониятларни аниқлаш ва маҳаллий агробioxилма-хиллик омборини ташкил қилиш; фермерлар ва маҳаллий аҳоли вакилларининг улар тасарруфидаги генетик ресурслар таркибий қисмларини сақлаш ва улардан оқилона фойдаланиш билан боғлиқ масалалар юзасидан қарор қабул қилишда иштирокини таъминлаш; миллий илмий жамоатчилик билан алоқани таъминлаш ва бошқалар.

Халқаро шартнома кўра, давлат фермер хўжаликларида маҳаллий ва етарлича тарқаманган экинлардан фойдаланишни кенгайтиришга кўмаклашиш, экинлар заифлиги ва генетик таназзулни камайтириш учун селекциялар ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари ўртасида мустаҳкам алоқа ўрнатиш каби масалаларни ҳал этишга жалб этилади.

Демак, генетик ресурслардан фойдаланишни тартибга солиш, улардан фойдаланиш натижасида даромад олиш, хўжалик юритиш услубларини ривожлантириш ва яхшилаш учун қонунчилик асоси зарур. Бу маҳаллий қишлоқ аҳолисининг фаровонлигини ошириш, қашшоқлик даражасини пасайтириш ва озик-овқат хавфсизлигини таъминлаш имконини беради.

Ривожланаётган дунёда айрим мамлакатлар фермерлар ҳуқуқлари тўғрисидаги қонунчиликни ишлаб чиқмоқда. Чунончи, Филиппин, Таиланд, Эквадор, Венесуэла, Котс-Рика, Бразилия ва Ҳиндистон шундай мамлакатлар сирасига киради. 2002 йилда Канкун шаҳрида (Мексика) айнан шу мамлакатлар 12 давлатдан иборат (Бразилия, Венесуэла, Ҳиндистон, Индонезия, Кения, Хитой, Колумбия, Коста-Рика, Мексика, Перу, Эквадор ва Жанубий Африка Республикаси) “мегабioxилма-хилликка эга миллатлар иттифоқи”ни ташкил этиш ташаббускорлари бўлди. Мазкур давлатлар қонунчилигининг аксариятида маҳаллий аҳоли ва фермер хўжаликларининг маҳаллий бioxилма-хиллик ва улардан фойдаланишга оид анъанавий билимларга эгаллиги мустаҳкамланмоқда.

Европада агробioxилма-хилликни сақлаш борасида нодавлат ташкилотлар ривожланмоқда. Бундай ташкилотлар Австрия, Франция, Германия, Швейцария, Норвегия, Швеция, Венгрия ва бошқа давлатларда фаолият кўрсатмоқда. Ривожланган мамлакатларда давлат бундай фаолиятни турли чора-тадбирлар орқали рағбатлантирмоқда. Ҳукумат томонидан молиявий қўллаб-қувватлашдан ташқари, эски маҳаллий навларни сақлаш, маркетинг ва сотишга қаратилган тенденция шундай чоралардан биридир. Мисол учун, Швейцарияда 1999 йилдан бошлаб, “Ижтимоий навлар каталоги” тасдиқланган бўлиб, унга буғдойнинг маҳаллий 60 нави ва картошканинг 70 нави киритилган.

Уларни қайтариш ва каталогга киритиш учун эски маҳаллий нав ҳақида асосий ахборот талаб этилади, холос. Бундай рўйхат бепул амалга оширилади. Францияда эски маҳаллий навларни рўйхатга олиш ва улардан тижорат мақсадида фойдаланиш фермерга қарийб 220 еврога тушади. Еропа иттифоқи Комиссияси 98/95 Директиваси асосида 2002 йилда эски маҳаллий навларни рўйхатга олиш учун янада батафсил қоидаларни ишлаб чиқиш ва бу уларни миллий регистрга киритишни сезиларли даражада осонлаштирди. Бу қоидалар турли жамоат ташкилотларини маҳаллий ўсимликлар хилма-хиллигини сақлашни рағбатлантиради ва ундан тижорат мақсадида фойдаланиш ҳуқуқини беради.

АҚШда экологик тоза қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш билан шуғулланадиган сақланаётган уруғликлар билан алмашиш бўйича жамоат ташкилоти 15 йилдан буён фаолият юритмоқда. Бу ташкилот ўз генбанкига эга ва унда турли сабзавот ва маназарали экинлар уруғлари, шунингдек, мевалар учун “дала генбаки” узоқ вақт сақлаш учун топширилган. Мазкур ташкилот генофондида сақланаётган 20 мингдан ортиқ намуна билан агробioxилма-хилликнинг норасмий фойдаланувчилари кенг ва эркин алмашмоқда. *on farm* ва *en situ* шароитида генетик ресурсларни сақлаш ва улардан фойдаланишдан ташқари, ташкилот аъзолари АҚШ ва бошқа давлатлар ҳудудида хилма-хил ўсимликларни тўпламоқда ва тўплашни молиялаштирмоқда, сақланаётган генофонд каталогини чоп этмоқда, тажриба алмашиш учун учрашувлар ташкил этиб, генетик модификацияланган навларга қарши анъанавий уруғлардан фойдаланишни тарғиб қилмоқда.

Давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, шунингдек, саноати ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар аҳолиси генетик модификацияланган маҳсулотлардан эҳтиёткорлик билан фойдаланаётгани сабабли бутун дунёда *on farm* сақлашдан иқтисодий самара йил сайин ортиб бормоқда. Масалан, биринчи турдаги маҳсулотдан олинган даромад йилига 1-2 фоизга ошса, “экологик тоза” маҳсулотдан олинадиган даромад 20-25 фоизни ташкил этмоқда. Иқтисодчилар ҳисоб-китобига кўра, бу тенденция сақланиб қолади ва 2020 йилда АҚШ.

Канада ва Европа мамлакатларида маҳсулотларнинг катта қисмини айнан мана шу маҳсулотлар ташкил этади. 2003 йилда дунёнинг 110 давлати фермерлари қиймати 25 миллиард долларлик шундай маҳсулот ишлаб чиқарган.

Таҳлиллар ва тадқиқот шуни кўрсатадики, агробioxилма-хилликни *on farm* сақлаш ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий-сиёсий томондан қатор афзалликларга эга. Давлат генетик ресурсларнинг стратегик муҳимлигига эътибор қаратаётган мамлакат улар устидан назорат ўрнатишдан манфаатдор ва улардан қонуний фойдаланиш учун шароит яратмоқда. Давлат ташкилотлари билан бир қаторда бioxилма-хилликни нафақат кафолатли сақлаш, балки уларни тижоратлаштиришдан иқтисодий фойда олишга қодир жамоат ташкилотлари ҳам пайдо бўлмоқда.

Адабиётлар

1. Богомолов О.Т., Некипелов А.Д. Глобализация и кризис мирового экономического порядка // Проблемы глобализации: Тр. Фонда Горбачева. 2001. Т.7. С.99-136.
2. Вавилов Н.И. Мировые очаги (центры происхождения) важнейших культурных растений // Академик Н.И.Вавилов. Избранные труды. Т.2. М.-Л.: Изд-во АН СССР, 1960. С.29.
3. Вавилов Н.И. Интродукция растений в советское время и ее результаты (Итоги интродукционной работы Всесоюзного института растениеводства за период 1921-1940 гг.) // Происхождение и география культурных растений. Л.: Наука, 1987. С. 402-417.
4. Вавилов Н.И. Мировые центры сортовых богатств (генов) культурных растений // Происхождение и география культурных растений. Л.: Наука, 1987. С. 135-146.
5. Вечканов Г.С, Вечкаиова Г.Р., Пуляев В.Е. Краткая экономическая энциклопедия. СПб: Петрополис, 1998. С.343.
6. Глобализация: варианты для России // Петербургский взгляд (Информационно-аналитическое обозрение). СПб, 2001. С.1-2.